



New Day in Medicine
Новый День в Медицине

NDM



TIBBIYOTDA YANGI KUN

Ilmiy referativ, marifiy-ma'naviy jurnal



AVICENNA-MED.UZ



ISSN 2181-712X.
EISSN 2181-2187

4 (90) 2026

Сопредседатели редакционной коллегии:

**Ш. Ж. ТЕШАЕВ,
А. Ш. РЕВИШВИЛИ**

Ред. коллегия:
М.И. АБДУЛЛАЕВ
А.А. АБДУМАЖИДОВ
Р.Б. АБДУЛЛАЕВ
Л.М. АБДУЛЛАЕВА
А.Ш. АБДУМАЖИДОВ
М.А. АБДУЛЛАЕВА
Х.А. АБДУМАДЖИДОВ
Б.З. АБДУСАМАТОВ
У.О. АБИДОВ
М.М. АКБАРОВ
Х.А. АКИЛОВ
М.М. АЛИЕВ
С.Ж. АМИНОВ
Ш.Э. АМОИВ
Ш.М. АХМЕДОВ
Ю.М. АХМЕДОВ
С.М. АХМЕДОВА
Т.А. АСКАРОВ
М.А. АРТИКОВА
Д.Т. АШУРОВА
Ж.Б. БЕКНАЗАРОВ (главный редактор)
Е.А. БЕРДИЕВ
Б.Т. БУЗРУКОВ
Р.К. ДАДАБАЕВА
М.Н. ДАМИНОВА
К.А. ДЕХКОНОВ
Э.С. ДЖУМАБАЕВ
А.А. ДЖАЛИЛОВ
Н.Н. ЗОЛотова
А.Ш. ИНОЯТОВ
С. ИНДАМИНОВ
А.И. ИСКАНДАРОВА
А.С. ИЛЪЯСОВ
Э.Э. КОБИЛОВ
А.М. МАННАНОВ
Д.М. МУСАЕВА
Т.С. МУСАЕВ
М.Р. МИРЗОЕВА
Ф.Г. НАЗИРОВ
Н.А. НУРАЛИЕВА
Ф.С. ОРИПОВ
Б.Т. РАХИМОВ
Х.А. РАСУЛОВ
Ш.И. РУЗИЕВ
С.А. РУЗИБОВЕВ
С.А. ГАФФОРОВ
С.Т. ШАТМАНОВ (Кыргызстан)
Ж.Б. САТТАРОВ
Б.Б. САФОВЕВ (отв. редактор)
И.А. САТИВАЛДИЕВА
Ш.Т. САЛИМОВ
Д.И. ТУКСАНОВА
М.М. ТАДЖИЕВ
А.Ж. ХАМРАЕВ
Б.Б. ХАСАНОВ
Д.А. ХАСАНОВА
Б.З. ХАМДАМОВ
Э.Б. ХАККУЛОВ
Г.С. ХОДЖИЕВА
А.М. ШАМСИЕВ
А.К. ШАДМАНОВ
Н.Ж. ЭРМАТОВ
Б.Б. ЕРГАШЕВ
Н.Ш. ЕРГАШЕВ
И.Р. ЮЛДАШЕВ
Д.Х. ЮЛДАШЕВА
А.С. ЮСУПОВ
Ш.Ш. ЯРИКУЛОВ
М.Ш. ХАКИМОВ
Д.О. ИВАНОВ (Россия)
К.А. ЕГЕЗАРЯН (Россия)
DONG JINCHENG (Китай)
КУЗАКОВ В.Е. (Россия)
Я. МЕЙЕРНИК (Словакия)
В.А. МИТИШ (Россия)
В.И. ПРИМАКОВ (Беларусь)
О.В. ПЕШИКОВ (Россия)
А.А. ПОТАПОВ (Россия)
А.А. ТЕПЛОВ (Россия)
Т.Ш. ШАРМАНОВ (Казахстан)
А.А. ЩЕГОЛОВ (Россия)
С.Н. ГУСЕЙНОВА (Азербайджан)
Prof. Dr. KURBANHAN MUSLUMOV (Azerbaijan)
Prof. Dr. DENIZ UYAK (Germany)

**ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН
НОВЫЙ ДЕНЬ В МЕДИЦИНЕ
NEW DAY IN MEDICINE**

*Илмий-рефератив, маънавий-маърифий журнал
Научно-реферативный,
духовно-просветительский журнал*

УЧРЕДИТЕЛИ:

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ
МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ
ООО «ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН»**

Национальный медицинский
исследовательский центр хирургии имени
А.В. Вишневского является генеральным
научно-практическим
консультантом редакции

Журнал был включен в список журнальных
изданий, рецензируемых Высшей
Аттестационной Комиссией
Республики Узбекистан
(Протокол № 201/03 от 30.12.2013 г.)

РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ:

М.М. АБДУРАХМАНОВ (Бухара)
Г.Ж. ЖАРЫЛКАСЫНОВА (Бухара)
А.Ш. ИНОЯТОВ (Ташкент)
Г.А. ИХТИЁРОВА (Бухара)
Ш.И. КАРИМОВ (Ташкент)
У.К. КАЮМОВ (Тошкент)
Ш.И. НАВРУЗОВА (Бухара)
А.А. НОСИРОВ (Ташкент)
А.Р. ОБЛОКУЛОВ (Бухара)
Б.Т. ОДИЛОВА (Ташкент)
Ш.Т. УРАКОВ (Бухара)

4 (90)

2026
апрель

www.bsmi.uz
https://newdaymedicine.com
E: ndmuz@mail.ru
Тел: +99890 8061882

УДК 616.31-053.2-084-07

**ЭРТА ЁШЛИ БОЛАЛАРДА ПРОФИЛАКТИК КЎРИККА АСОСЛАНГАН ТИШ-ЖАҒ
АНОМАЛИЯЛАРИНИНГ ТАРҚАЛИШИ ВА КЕЛИБ ЧИҚИШ САБАБЛАРИНИ
БАҲОЛАШ**

Менглиева Дилдора Норбековна <https://orcid.org/0009-0004-4679-3162>
e-mail: dildora_menglieva@bsmi.uz

Камалова Феруза Рахматиллаевна <https://orcid.org/0000-0003-0891-4256>
e-mail: feruza_kamolova@bsmi.uz

Абу али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти Ўзбекистон, Бухоро ш.,
А.Навоий кўчаси. 1 Тел: +998 (65) 223-00-50 e-mail: info@bsmi.uz

✓ *Резюме*

Эрта ёшли болалар тиш – жағ тизими аномалиялари ва деформацияларининг тарқалишини ўрганиш ва уларни оптимал даволаш самарадорлиги замонавий тиббиётнинг долзарб муаммоси ҳисобланади, чунки бунда аҳолининг ортодонтик даволаш ва профилактик чора-тадбирларга эҳтиёжини аниқлаш ҳамда ва ортодонтик ёрдамнинг зарур ҳажмини ҳисоблаш ҳамда даволаш профилактик чора-тадбирларнинг самарадорлигини аниқлаш имконини беради. Маълумки, болалар ёшида тиш-жағ тизимининг ривожланишидаги бузилишлар инсон саломатлигига ва унинг ижтимоий муҳитга мослашишига катта зарар етказади.

Калит сўзлар. эрта ёшли болалар, тиш – жағ тизими аномалиялари ва деформациялари, генетик ёки морфологик нуқсонлар.

**ОЦЕНКА ПРИЧИН РАСПРОСТРАНЕНИЯ И ВОЗНИКНОВЕНИЯ
ЗУБОЧЕЛЮСТНЫХ ЗАБОЛЕВАНИЙ НА ОСНОВЕ ПРОФИЛАКТИЧЕСКОГО
ОБСЛЕДОВАНИЯ ДЕТЕЙ РАННЕГО ВОЗРАСТА**

Менглиева Дилдора Норбековна <https://orcid.org/0009-0004-4679-3162>
e-mail: dildora_menglieva@bsmi.uz

Камалова Феруза Рахматиллаевна <https://orcid.org/0000-0003-0891-4256>
e-mail: feruza_kamolova@bsmi.uz

Бухарский государственный медицинский институт имени Абу Али ибн Сины, Узбекистан,
г. Бухара, ул. А. Навои. 1 Тел: +998 (65) 223-00-50 e-mail: info@bsmi.uz

✓ *Резюме*

Эффективность изучения распространения зубочелюстных аномалий и деформаций позвоночника у детей раннего возраста и их оптимального лечения является актуальной проблемой современной медицины, поскольку при этом можно определить потребность населения в ортодонтическом лечении и профилактических мероприятиях и рассчитать необходимый объем ортодонтической помощи, а также определяют эффективность лечебно-профилактических мероприятий. Известно, что в детском возрасте нарушения в развитии десен и десневых налетов наносят большой вред здоровью человека и его адаптации к социальной среде.

Ключевые слова. дети раннего возраста, зубочелюстные аномалии и деформации, генетические или морфологические дефекты.

ASSESSMENT OF THE CAUSES OF THE SPREAD AND OCCURRENCE OF DENTAL DISEASES BASED ON PREVENTIVE EXAMINATION OF YOUNG CHILDREN

Menglieva Dildora Norbekovna <https://orcid.org/0009-0004-4679-3162>

e-mail: dildora_menglieva@bsmi.uz

Kamalova Feruza Raxmatillaevna <https://orcid.org/0000-0003-0891-4256>

e-mail: feruza_kamolova@bsmi.uz

Bukhara State Medical Institute named after Abu Ali ibn Sina, Uzbekistan, Bukhara, st. A. Navoi. 1
Tel: +998 (65) 223-00-50 e-mail: info@bsmi.uz

✓ *Resume*

The effectiveness of studying the spread of dental anomalies and spinal deformities in young children and their optimal treatment is an urgent problem of modern medicine, since it is possible to determine the population's need for orthodontic treatment and preventive measures and calculate the required amount of orthodontic care, as well as determine the effectiveness of therapeutic and preventive measures. It is known that in childhood, disorders in the development of gums and gingival plaque cause great harm to human health and its adaptation to the social environment.

Keywords. young children, dental anomalies and deformities, genetic or morphological defects.

Долзарблиги

Жамият саломатлигининг фундаментал кўрсаткичларидан бири - бу популяцияда туғма аномалияларнинг тарқалиш динамикаси. Статистик маълумотларга кўра, генетик ёки морфологик нуқсонлар билан дунёга келаётган гўдакларнинг улуши жами туғилишлар кўрсаткичининг 1 фоизидан 12 фоизгача бўлган кенг диапазонни қамраб олмақда [1]. Болалар ўртасида кузатиладиган стоматологик хасталиклар иерархиясида тиш-жағ аномалиялари муҳим ўрин тутди. Мазкур патологиялар тарқалиш кўлами бўйича фақат тиш кариеси ҳамда пародонт тўқималарининг шикастланишидан кейинги навбатда туриб, касалликлар структурасида барқарор учинчи поғонани эгаллаб келмоқда [2]. Эрта мактаб ёшида тиш – жағ тизими аномалияларининг ёшга боғлиқ тарқалиши 3 ёшдан 9 ёшгача бўлган болалар орасида кўп учрайди. Эрта мактаб ёши ва мактаб ёшидаги болалар орасида тиш – жағ тизими аномалияларининг эрта аниқлаш, тарқалиш кўрсаткичларини ўрганиш, самарали даволаш усулларини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга тадбиқ этиш долзарб муаммолардан биридир [3]. Мамлакатимизда бугунги кунда соғлиқни сақлаш тизимида аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш, уни ташкил этиш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда, жумладан эрта мактаб ёши ва мактаб ёшидаги болаларда ортодонтик ёрдам кўрсатишни тубдан такомиллаштириш, болалардаги юз-жағ аномалияларини эрта ташхислаш ва уни асоратланган деформацияларга ўтишининг олдини олиш бўйича асосли натижалар олинган [4].

Эрта ёшли болалар тиш – жағ тизими аномалиялари ва деформацияларининг тарқалишини ўрганиш ва уларни оптимал даволаш самарадорлиги замонавий тиббиётнинг долзарб муаммоси ҳисобланади, чунки бунда аҳолининг ортодонтик даволаш ва профилактик чора-тадбирларга эҳтиёжини аниқлаш ҳамда ва ортодонтик ёрдамнинг зарур ҳажмини ҳисоблаш ҳамда даволаш профилактик чора-тадбирларнинг самарадорлигини аниқлаш имконини беради (Саблина Г.И., Ковтонюк П.А., 2014). Маълумки, болалар ёшида тиш-жағ тизимининг ривожланишидаги бузилишлар инсон саломатлигига ва унинг ижтимоий муҳитга мослашишига катта зарар етказди (Vami E.A. et al., 2010). Шунинг учун соғлом оғиз бўшлиғи, ортогнатик тишлов, юзнинг эстетик ҳолати ҳар бир инсон учун ниҳоятда муҳимдир. Эрта мактаб ёши ва мактаб ёшидаги болалар орасида ортодонтик ёрдамни ташкил этиш ҳамда самарали тиббий хизматлар сифатини ошириш ва юз-жағ аномалияларининг олдини олиш бўйича болалар ўртасида профилактик тадбирларни ташкил этиш муҳим аҳамиятга эгадир [5,6].

Тадқиқотнинг мақсади: эрта ёшли болаларда профилактик кўрикка асосланган тиш-жағ аномалияларининг тарқалиши ва келиб чиқиш сабабларини баҳолашни ўрганиш.

Тадқиқот объекти қилиб мактабгача ва эрта мактаб ёшидаги болалар муассасалари танланди, танланган болаларнинг ҳаёти, тарбияси ва ўқиши шароитлари бир бирига яқин бўлиб, бу натижаларнинг ишончилигини оширди; тиббий ва стоматологик кўрикни ташкиллаштириш билан чуқур стоматологик текшириш учун кўпроқ имкониятларнинг мавжудлиги билан ахамиятли эди. Ушбу далиллар асосида Бухоро вилояти ҳудудидаги умумтаълим мактаблари (УМ) ва мактабгача таълим муассасалари (МТМ) танлаб олинди, уларнинг ўқувчи ва тарбияланувчилари уюшган болалар муассасаси деб таснифланди.

Материал ва текшириш усуллари

Биз болаларда тиш – жағ аномалияларининг тарқалганлик даражаси ва келиб чиқиш сабабларини ўрганиш мақсадида мактаб ёшигача, ҳамда эрта мактаб ёшидаги бўлган 1066 нафар болада, яъни Бухоро вилояти ва Бухоро шаҳрининг № 10, 43, 16, 17, 10, 13, ҳамда Олот туманининг 15,6, 4, шунингдек Қоракул туманининг 1,2 сонли давлат мактабгача таълим муассасаларида, ҳамда шу туманларнинг эрта мактаб ёшидаги болалар орасида профилактик стоматологик кўриklar ўтказдик. Профилактик кўрик ўтказилган болалар ёши 3 ёшдан 10 ёшгача бўлган даврни ташкил қилди. Профилактик ўрганилган болалар 2 гуруҳга: 1- гуруҳ – 3-6 ёш сут тишлар прикуси билан - 596 нафарни, 2 – гуруҳ 7 – 9 ёш эрта алмашинув прикуси билан 470 нафар болаларни ташкил қилди. Профилактик стоматологик кўриқда 1066 нафар болаларнинг 875 (81,9%) нафарида стоматологик касалликлар аниқланди. Биз мактабгача ёшдаги, шунингдек эрта мактаб ёшидаги болаларни тиш – ёй қатори ва жағ тизими шаклланишини текширишни умумқабул қилинган стандарт мосликка амал қилган ҳолда олиб бордик.

Натижа ва таҳлиллар

Тадқиқотларнинг иккинчи босқичида БЖССТ экспертларининг тавсияларига кўра болаларнинг стоматологик статуси аниқланди. Бунинг учун биз уч қисм (паспорт қисми, боланинг ота-онаси ҳақидаги маълумотлар, беморни холисона текшириш маълумотлари), 48 пунктдан иборат махсус “Болани стоматологик кўриқдан ўтказиш картаси”ни ишлаб чиқдик, тасдиқладик ва ЎЗР ССВда рўйхатдан ўтказдик.

Бухоро вилоятнинг таълим ва мактабгача таълим муассасаларида ҳудудий танлов асосида репрезентатив намуна шакллантирилиб, турли ёш гуруҳларидаги болалар ўртасида комплекс стоматологик скрининг ўтказилди. Статистик кузатув доирасида танлаб олинган контингентнинг ёш хусусиятларини инобатга олган ҳолда чуқурлаштирилган клиник текширувлар амалга оширилди.

Тишлов даврида ёш гуруҳларининг кўриқдан ўтказишга қараб:

-шаклланган сут тишлови даври (3-5 ёш);

- эрта алмашинув даври (6-9 ёш);

Тадқиқот учун олинган болалар ҳаётининг ушбу даврлари бежиз эмас, чунки айнан мана шу даврларда таъсир қилувчи турли омиллар натижасида тиш – жағ тизимида ўзгаришлар ва патологиялар шаклланишни бошлайди.

Биз томондан олиб борилган ўрганишлар натижаси шуни кўрсатадики, эрта ёшли болалар орасида тиш – ёй қатори ва тизими аномалиялари орасида энг биринчи ўринда тиш ёйида тишлар ҳолатининг ўзгариши, кейинги ўринда трема, диастемалар ва тишларнинг ёйда қисилиб қолиши кабилар кузатилди. Тишлов патологиялари орасида эса кўпроқ дистал окклюзия, мезиал окклюзия, вертикал устунликдаги тишлов, горизонтал устунликдаги тишлов, шунингдек чуқур тишловлар кузатилди. Ота-оналар ўртасида ўтказилган социологик сўровнома натижаларига кўра, тиш-жағ тизими аномалиялари ривожланишига туртки бўлувчи омиллар частотаси аниқланди. Жумладан, бармоқ сўриш одати 9,2% (36 нафар) болани камраб олган бўлса, юмшоқ тўқималарни тишлаш билан боғлиқ нуқсонлар 10,7% (47 нафар) ни ташкил этди. Энг юқори кўрсаткич тирноқ ва қаттиқ жисмларни тишлаш (19,4%, 77 нафар) одатида кузатилди. Шунингдек, функционал бузилишлардан — чайнаш фаоллигининг сустлиги (12,7%, 41 нафар) ҳамда тилнинг тиш қаторларига патологик босими билан кечувчи инфантил ютиш (8,2%, 33 нафар), ухлаш вақтида лунж остига қўлни қўйиб ётиш - 3%, оғиз орқали нафас олиш - 76 (21,3%) ҳолатлари верификация қилинди. Тиббий болалар картаси маълумотларига кўра (26-

сонли шакл), стоматологик касалликларга эга болаларда коморбид ҳолатлар (n=170) 136 нафар (27,4%) болада ЛОР-органлари касалликлари, 44 нафар (11,8%) болада функционал диспепсиялар, 72 нафар (16,7%) болада гельминтозлар, 71 нафар (16,3%) болада темир танқислиги анемияси, 48 нафар (10,4%) болада вегетатив дисфункция синдроми ва 58 нафар (12,4%) болада рекуррент респиратор инфекциялар борлиги аниқланди. Биз олиб борган тадқиқот ишимизда болаларда тиш – ёй қатори аномалияларига сабаб бўлиши мумкин бўлган хавф омилларини ўрганиш учун 1066 нафар 3 ёшдан 10 ёшгача бўлган эрта мактаб ва боғча ёшидаги болалар ота – оналаридан олинган анкета натижаларига асосланган маълумотларга таяндик. Ота- оналардан олинган оғзаки сўровнома натижалари қуйидагича бўлди: онанинг хомиладорлик давридаги ўткир респиратор касалликлар билан оғриши – 18.8 %, онадаги мавжуд хроник касалликлар – 22.1%, боланинг сунъий озикланиши – 18.2%, наслийлик- 16.7%, зарарли одатлар – 15,2%, юмшоқ пархез – 8.7%, хомиладорликдаги токсикоз -9.9%, боланинг тез –тез респиратор касалликлар билан оғриши – 10,7% ҳолатларда қайд этилди. Аниқланган эхтимолли омиллар 3 та гуруҳ тушунчаларига ажратилди. Унга кўра: “бошқариб бўладиган”, “бошқариш қийин”, ҳамда “бошқариб бўлмайдиган” омилларга бўлинди. “Бошқариб бўладиган” омилларга профилактик тадбирларни ўтказган вақтда таъсир қиладиган факторларни осон бартараф этиб бўладиган, “бошқариш қийин” бўлган омил таъсир қилувчи омилни бутунлай бартараф этишнинг иложи йўқ ёки қисман бартараф этилади, шунингдек, “ бошқариб бўлмайдиган” таъсир қилувчи омилга бизнинг ҳаракатларимизнинг алоқаси йўқлиги билан характерланади.

Хулоса

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, хомиладорлик вақтидаги онанинг сурункали ва ўткир яллиғланишли касалликлари профилактикаси муҳим аҳамиятга эга. Хомиладор аёлдаги бу каби касалликларни хомиладорликдан олдин даволаш айрим тиш – жағ тизимида келиб чиқиши мумкин бўлган аномалиялар фоизини бирмунча пасайтириши мумкин деб ҳисоблаймиз. Бу каби таъсир қилувчи омилни тураржой поликлиникасидаги терапевт врачлар ёки гинекологлар билан бирга бошқариш мумкин. Аммо бу омил “бошқариши қийин бўлган” факторга киради. Сабаби, хомиладорликдан олдин ўткир ва хроник касалликларни даволаш тиббиётнинг мураккаб вазифаларига киради. Боланинг тиш – жағ тизимидаги айрим ўзгаришларни келтириб чиқариши мумкин бўлган яна бир омил бу – наслий хусусиятдир. Бу омил “бошқариб бўлмайдиган” факторга киритилди. Аммо, ҳеч кимга сир эмаски, бу омилни тўхтатиб ёки бошқариб бўлмайди.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Абдукадыров А.А. Современные взгляды на проблемы деформаций лицевого скелета: научное издание. Стоматология. 2010;(1-2):96-99.
2. Алмаматов А.Т. Отдаленные результаты септопластики с кристосутуротомией у больных с зубочелюстными аномалиями: научное издание. Стоматология. 2010;(3-4):163-164.
3. Аргутина А.С. Программа профилактики зубочелюстных аномалий у детей в детской стоматологической поликлинике: научное издание. Российский педиатрический журнал. 2017;20(4):222-226.
4. Гаффаров С.А., Олимов С.Ш., Ахмадалиев Н.Н. Взаимосвязь между аномалиями зубочелюстной системы и соматических заболеваний у детей. Журнал теоретической и клинической медицины. 2016;(2):74-77.
5. Гаффаров С.А. Выявление корреляционных зависимостей между нарушением механизма ротового дыхания и частотой возникновения зубочелюстных аномалий у детей. Стоматология славянских государств. 2019;(4):103-105.
6. Даминов Т.А., Юлдашханова А.С., Кадыров Р.Х., Исомов М.Д. Состояние полости рта у детей, больных хроническим гепатитом. Ташкент; 2015. 120 с.

Қабул қилинган сана 20.03.2026